Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2008 йил 23-29 май № 20 (588) Жума кунлари чиқади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## МУҲИМ МАСАЛА ДОИРАСИДА

***Жорий йилнинг 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ҳамкорлигида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш масалалари бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди.***



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг вакиллари, вилоятларнинг фармацевтика соҳасидаги мутахассислари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, шунингдек, дори-дармон акционерлик ҳамда хусусий дорихона вакиллари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев кириш сўзи билан очиб, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари хусусида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Ташмуҳаммедова, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М. Хожибеков, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг дори воситалари сиёсати дастури бўйича менежери Н. Саутенкова сўзга чиқиб, тадбир ўтказилишидан асосий мақсад давлатнинг устувор вазифаларидан бири бўлган дори-дармон сиёсатининг амалдаги фаолияти, яъни аҳоли саломатлиги учун сифатли, самарали ва хавфсиз бўлган дори воситаларини ишлаб чиқиш, бунинг бараобарида эса қонун талабларига мувофиқ равишда иш юритиш муҳимлигини таъкидлашиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Куннинг биринчи ярмида дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини тартибга солишнинг қонуний асослари ва уларни такомиллаштириш йўллари, қонун фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро тажриба, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертларининг амалдаги, яъни қонун доирасидаги мулоҳазалари бўйича мутахассислар маъруза қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида тадбир иштирокчилари уч гуруҳга бўлиниб, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий тушунча ва муаммолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда давлат органларининг дори воситалари таъминотидаги ваколатлари, «Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш ва ишлаб чиқаришни тартибга солиш» ҳамда «Дори воситалари ва тиббий буюмлар реализацияси» масалалари бўйича ўзаро фикрлашиб, қонунни янада такомиллаштириш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Тадбир сўнггида гуруҳлар ҳамкорлигида олиб борилган фикрлар асосида муҳим хулосалар чиқарилди.

**Ибодат СОАТОВА.**

*«Баркамол авлод — 2008»*

***Шу йилнинг 17-20 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасида «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақаларига бағишланган амалий тадбирлар бўлиб ўтди. Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси 2001 йил Жиззах, 2003 йил Андижон ва 2005 йил Тошкент вилоятида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларининг эстафетасини қабул қилиб олди. Ҳеч бир мамлакатда мавжуд бўлмаган мазкур ўйинлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда йўлга қўйилган уч босқичли дастурий спорт мусобақаларининг ўрта бўғини ҳисобланиб, унда юртимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар ғолиблик учун куч синашадилар.***



## ХОЛИСЛИК, ЎЗАРО ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИК РАМЗИ

«Баркамол авлод» мусобақаларининг 2008 йилдаги финал босқичида Қорақалпоғистон Республикасининг мезбонлик қилиши бежиз эмас. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 7 академик лицей ва 78 касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 86146 нафар ўқувчи ёшларга 7319 нафар педагог ҳамда муҳандис-педагог ходимлар замон талаблари асосида таълим-тарбия бериб келишмоқда. Ўқувчиларнинг янги педагогик технологиялар асосида билим олиб, касб-ҳунар





эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Асосан, ўқувчи ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб боришлари учун яратилган имкониятлар кўзни қувонтиради.

Замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган спорт заллари ва майдончаларида шуғулланаётган ўқувчи ёшлар ичидан кўпгина Ўзбекистон, Қорақалпоғистон чемпионлари, Осиё биринчиликлари ҳамда халқаро турнирлар ғолиблари, шунингдек, совринли ўрин эгалари етишиб чиқмоқда. Бу билан спортни давлат сиёсати даражасига кўтарган Президентимизнинг «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тез дунёга машҳур қила олмайди» деган сўзлари амалда ўз тасдиғини топмоқда.

Мусобақалар давомида «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари дастуридан ўрин олган режага мувофиқ иштирокчилар жойлашган масканларда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат усталари ва эстрада юлдузларининг қизиқарли концерт томошалари, шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, машҳур спортчилар, жаҳон ва Осиё чемпионлари билан учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Шу билан бирга ўйин иштирокчилари ўлкамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиш имкониятига эга бўладилар.

**(Давоми 2-бетда).**

### ҒОЛИБЛИК МУБОРАК!

***Таъкидлаш жоизки, «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақаларида спортнинг 12 тури — баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, кураш ва белбоғли кураш, сузиш, енгил атлетика, катта теннис, стол тенниси, бадиий гимнастика ҳамда шахмат бўйича барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 1600 нафарга яқин лицей ва коллеж ўқувчиси иштирок этди. Беллашувлар дўстона, ҳалол рақобат руҳида якунланди. Мусобақаларни 126 нафар олий тоифали ҳакамлар кузатиб бордилар. Эпчил, чаққон ва кучли спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этиб, 165 та олтин, кумуш ва бронза медаль комплекти учун баҳс олиб бордилар. Шунингдек, 20 май куни Нукуснинг «Турон» стадионида бўлиб ўтган мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри ва учинчи ўрин эса Фарғона вилояти ёш спортчиларига насиб этди. Энг қувончлиси, барча ғолибларга Президент совғаси — «ДАМАС» автомобили тақдим этилди. Мусобақаларда алоҳида маҳорат, ғалабага интилишини намойиш этган жамоалар ва спортчилар ҳам ташкилотчиларнинг махсус совғалари билан тақдирландилар. Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси байроқни коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг келгуси мусобақасига мезбонлик қиладиган Сурхондарё вилояти вакилларига топширишди.***

**Жорий йилнинг 28 май куни Самарқанд шаҳрида «Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этишдаги долзарб муаммолар: шошилинч тиббиётда нозокомиал инфекция масалалари» мавзуидаги VIII илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
№ 20 (588)
2008 йил
23 май

*«Баркамол авлод – 2008»*

# ХОЛИСЛИК, ЎЗАРО ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИК РАМЗИ



«Баркамол авлод – 2008» спорт мусобақалари иштирокчилари ва меҳмонларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ томонидан комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Тиббий ёрдам кўрсатишга жалб қилинган ходимлар рўйхати, уларнинг тиббий постлардаги навбатчилик графиги, тез ёрдам бригадалари таркиби, уларнинг иш графиги ва дислокацияси тузилиб, тасдиқланди. Тиббий пост, пункт ва тез ёрдам бригадаларининг тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан жиҳозлаш рўйхати ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шунингдек, иштирокчилар учун шахсий гигиена қоидалари ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, рационал овқатланиш тўғрисида эслатма (ўзбек ва рус тилларида) ишлаб чиқилди ва иштирокчиларнинг тураржойларига тарқатилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Спорт мусобақалари ўтказиладиган жойларда 17 та тиббий постлар ташкил қилиниб, жами бўлиб 109 шифокор, 88 ҳамшира, 15 фельдшер ва 14 тез ёрдам автомашинаси ҳайдовчиси жалб қилинди.

Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод – 2008» мусобақаларига тайёргарлик ишлари барча хизмат кўрсатиш жабҳаларини ўз ичига олди. Жорий йилнинг тўрт ойи давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали Ислом тараққиёт банки маблағи ҳисобидан 700 миллион сўмлик турли хил тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Мазкур шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига 14 май куни Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг ташаббуси билан 7 дона «Дамас» русумли автомашина ҳам келтирилди. Бу автомашиналар «Баркамол авлод – 2008» спорт мусобақалари қатнашчиларига, сўнг эса республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади.

***2008 йил 17-20 май кунлари фақат Қорақалпоғистон Республикаси спортинингина эмас, балки ижтимоий-сиёсий турмушининг йилномасида ҳам зарҳал ҳарфлар билан ёзилишига шубҳа йўқ.***

«Қорақалпоқтранс» уюшмаси томонидан Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган «ISUZU» русумли 48 дона янги автобус олиб келинди. Бу автобуслар ҳозирги пайтда мусобақа иштирокчиларига, кейинчалик Қорақалпоғистон халқига хизмат кўрсатади. Энди мусобақа иштирокчиларига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланади. Ушбу автобусларнинг олиб келиниши халқимиз учун катта совға бўлди.

Холислик, ўзаро дўстлик, тотувлик рамзи бўлмиш «Баркамол авлод – 2008» спорт ўйинининг ўтказилиши ёшларни оммавий спортга жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларимизда спорт майдонларида бир миллат бўлиб юрт шарафини ҳимоя қилиш ғояси шаклланмоқда.

**Тўртинчи бор ўтказилган ушбу нуфузли мусобақа барча иштирокчилар қалбида мангу муҳрланиб, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, порлаб туради, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайди, деб умид билдирамиз.**

**Намоз ТОЛИПОВ,**
**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси мухбири.**
**Гулнора ЖУГИНИСОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Шифокор» газетаси мухбири.**

## 21-22 мая в Ташкенте прошел V съезд Дерматовенерологов стран СНГ

# ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ НАМЕЧЕННЫХ ЦЕЛЕЙ

***21-22 мая текущего года в Международном бизнес-центре (Ташкент) состоялся V съезд дерматовенерологов Республики Узбекистан. Мероприятие было посвящено 75-летию со дня образования Научно-исследовательского института Дерматологии и венерологии МЗ РУ и 100-летию профессора И. А. Телишевского. Мероприятие открыл заместитель министра здравоохранения Н. У. Шарапов. В своей речи он поздравил участников съезда и коллектив НИИ Дерматологии и венерологии со знаменательным событием и пожелал успехов в работе съезда. Затем гости мероприятия выступили с поздравительным словом к участникам. Еще одним запечатлевшимся моментом стало оглашение Приказа Министра здравоохранения Республики Узбекистан "О награждении ряда специалистов дерматовенерологов республики почетной грамотой Минздрава". Нам удалось пообщаться с некоторыми участниками и гостями съезда:***




**К. Я. МУХАМЕДОВ,**
**Главный врач клиники НИИ Дерматологии и венерологии:**

– Сегодняшнее мероприятие объединило всех дерматологов в этом зале с той целью, чтобы поделиться знаниями и опытом, которые были накоплены за последние несколько лет активной работы. На сегодняшний день в Республике Узбекистан ведется работа по совершенствованию системы дерматологии и венерологии, внедряются новые медицинские аппараты. Помимо этого, уделяется большое внимание вопросу кадров, нам необходимо подготовить почву для начинающих дерматологов, обеспечить все условия для их профессионального становления. На этом съезде участвуют делегации из таких стран СНГ, как Российская Федерация, Украина, Казахстан. На повестке дня большое количество докладов, раскрывающих актуальные вопросы современной дерматологии. Мы поделимся своим опытом с нашими зарубежными коллегами, а также получим много новой и полезной информации, которую в дальнейшем будем внедрять в практику. Думаю, съезд пройдет плодотворно и станет стимулом для дальнейшего исследования дерматологических заболеваний.



**В. Ф. МАРКИЛОВ,**
**Главный врач городского кожно-венерологического диспансера г. Навои:**

– Любое мероприятие и в целом система здравоохранения любой страны направлены на профилактику, так как очень важно снизить уровень венерических заболеваний, которые свирепствуют в настоящее время не только у нас в республике, но и по всему миру. Всем известно, что лечение – это одно, а профилактика – другое, и пока каждый из врачей не будет уделять внимание в своей практике вопросам профилактики, ничего не изменится. Например, все больше и больше растет заболеваемость СПИДом. С момента проведения последнего съезда прошло 5 лет, и это очень маленький период для науки. За это время очень сложно внести какие-либо кардинальные изменения в состояние системы. На сегодняшний день мы ведем исследования по нахождению источника заболеваний и ищем эффективные пути борьбы с этим. Возвращаясь к профилактике, я хочу добавить следующее: надо, чтобы СМИ уделяли больше внимание опубликованию статей, созданию телепередач о заболевании, так как профилактическая работа – это огромный участок медицинской науки.

**В. А. АКОВБЯН,**
**профессор,**
**Доктор медицинских наук, ведущий научный сотрудник Научно-исследовательского института эпидемиологии и микробиологии имени почетного академика Н.Ф. Гамалеи:**

– Здоровье населения является показателем хорошей или плохой деятельности системы здравоохранения каждой страны. И поэтому совершенствованию механизма здравоохранения отводится большое внимание. Сегодня, будучи в вашей республике, меня порадовал тот факт, что у вас осуществляются все мероприятия по профилактике и лечению кожных и венерических болезней. Да и местные специалисты ничуть не уступают своим западным коллегам в знании своего дела. Хорошее оснащение медицинских учреждений и сильный кадровый потенциал – вот что нужно для результативной работы. И всем этим вы обладаете. А проведение данного мероприятия еще раз это подтверждает. К тому же на съезде происходит большой обмен опытом, передача информации. Я уверен, что такого рода мероприятия, проводимые для сохранения здоровья людей, будут проводиться чаще.

**Б. Г. КОГАН,**
**Доктор медицинских наук, Заведующий консультативной поликлиникой, Исполнительный директор УАЛДВК:**

– Основной задачей данного съезда является ознакомление врачей с актуальными вопросами сферы дерматологии. Мы, дерматологи, – большой коллектив, и для поддержания высокого уровня знаний нам необходим обмен мнениями. Это очень полезно и именно в этом заключается важность подобных форумов. У нас в Украине насчитывается около 3 000 врачей-дерматологов, и с ними мы также проводим различные конференции внутри страны. Мы стараемся проводить конференции в разных городах Украины, выбираем области страны для того, чтобы все врачи Украины были задействованы в этом. Молодые люди примерно от 17 до 29 лет страдают от заболеваний, передающихся половым путем, в свою очередь, влияющих на здоровье репродуктивной функции организма. И наша задача – донести до сознания обычных людей ту информацию, которая могла бы использоваться ими для того, чтобы остановить распространение инфекции и избежать поражения репродуктивной системы. Нам было очень приятно посетить Узбекистан, и мы рады, что вы нас пригласили.

**Проведенный в эти дни V съезд дерматовенерологов Узбекистана стал большим событием, объединившим большое количество специалистов-дерматологов. Общаясь с нами, дерматологи не раз называли себя большой семьей. И это действительно так. Дерматология – крупная отрасль медицины, и люди, ведущие деятельность в этой отрасли, – это большая семья, сотрудничающая друг с другом и заботящаяся о здоровье населения. Несомненно, объединив знания и опыт, специалисты добьются своей главной цели.**

**Ирода ИЛЬХАМОВА,**
**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**
**Фото Анварджана САМАДХОДЖАЕВА.**

2008 й
№4

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

ADB
Осиё тараққиёт банки

gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

## «Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари



## «Health – 2» «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

## Проекты «Здоровье – 2» «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»



# ПОСЛЕДИПЛОМНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ МЕДСЕСТЕР УЧРЕЖДЕНИЙ ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

***Образование является приоритетным разделом человеческой деятельности на протяжении длительного периода времени. Социально-экономическое развитие общества находится в тесной взаимосвязи со степенью прогресса образования.***

***В течение последних лет сформировалось такое понятие, как "непрерывное медицинское образование", которое было сформулировано ВОЗ в 1971 г. следующим образом: "Непрерывное образование – это обучение, которое осуществляется индивидуумом после окончания базисного медицинского образования или предпринимается после специализации и способствует повышению компетенции специалиста". Данное определение подчеркивает непрерывность процесса совершенствования знаний и умений специалиста на протяжении всей его жизни.***




Значение непрерывного медицинского образования возрастает повсеместно и особенно в развитых странах мира, где все чаще используют системный подход к планированию подготовки медицинских кадров на последипломном уровне.

Принято считать, что в сфере здравоохранения последипломному образованию придают большое значение, поскольку знания и умения в медицинской практике находятся в постоянном развитии, а пациенты обладают фундаментальным правом получать наилучшее лечение из существующего в тот или иной период времени. Непрерывное медицинское образование является важным фактором, который позволяет медицинскому работнику поддерживать необходимый уровень профессиональной компетенции в течение всей его трудовой деятельности. Именно с этих позиций медицинское образование необходимо фактически рассматривать как непрерывный процесс и важнейший фактор развития кадров здравоохранения. Непрерывное образование не должно быть эпизодическим или хаотическим. Стремление врача к непрерывному образованию следует рассматривать как проявление врачебного долга. Это качество должны демонстрировать все категории медицинских работников независимо от ранга, занимаемой должности и профессии. Администрация всех уровней должна понимать важность непрерывного обучения, планировать и всячески содействовать его проведению. Это по существу и является философией непрерывного медицинского образования.



Министерство здравоохранения республики уделяет большое внимание развитию непрерывного профессионального образования медицинских работников нашей страны. В поддержку этого был подготовлен сборник нормативно-правовых документов под названием "Непрерывное профессиональное образование медицинских работников первичного звена здравоохранения". В сборник включены такие документы, как: приказы министерства РУ "Об утверждении положений учебных центров по непрерывному медицинскому образованию", "О совершенствовании деятельности высших медсестринских, средних медицинских и фармацевтических работников в учреждениях системы МЗ РУ", "Об утверждении основных положений и направлений дальнейшего развития системы непрерывного профессионального образования медицинских работников ПЗЗ на период 2006-2010гг.", и другие.

Все большее значение придают последипломной подготовки медсестер. В частности, с начала 2007 года в рамках проекта Азиатского Банка Развития (АБР) "Укрепление здоровья женщин и детей" был подготов-

(Продолжение на 4-й стр.)

***В настоящее время медицинская сестра общей практики признается как квалифицированный специалист в области сестринского дела, оказывающий первичную медико-санитарную помощь населению, включая проведение профилактических и реабилитационных мероприятий.***

***Медицинская сестра общей практики проводит доврачебные осмотры, в том числе профилактические, с записью в амбулаторной карте в пределах своей компетенции, выявляет и решает психологические проблемы пациента. Она вносит предложения по совершенствованию качества медицинской помощи населению, улучшению организации труда и своевременно и качественно ведет учетно-отчетную документацию.***

# ОРГАНИЗАЦИЯ РАБОТЫ МЕДИЦИНСКОЙ СЕСТРЫ ОБЩЕЙ ПРАКТИКИ

Активный патронаж больных на дому составляет основную часть работы медицинской сестры общей практики. Отбор больных для патронажа первоначально осуществляет врач. Это больные, прежде всего страдающие хроническими заболеваниями, нуждающиеся в регулярном сестринском наблюдении. В задачу медицинской сестры входят наблюдение за динамикой состояния больных, за соблюдением ими диеты и режима, контроль за правильностью приема медикаментов, также очень важным является обучение членов семьи приемам и правилам ухода за больным и выполнение несложных медицинских манипуляции и др., к которым относятся измерение артериального давления, снятие ЭКГ и измерение температуры тела и экстренные инъекции, определение остроты зрения и слуха, промывание наружного слухового прохода, обработка слизистой оболочки ротоглотки и миндалин, катетеризация, перевязка и снятие послеоперационных швов и др. Немаловажную роль медицинской сестры общей практики отводится в проведении занятий с пациентами в форме "обучающих школ". Например, занятие для больных бронхиальной астмой, язвой желудка и двенадцатиперстной кишки, гипертензивной болезнью и др.

На занятиях медицинская сестра разъясняет в доступной форме причины и механизмы развития заболевания, рассказывает о риске возможных осложнений, принципах терапии и профилактики, обучает больных методам контроля за своим состоянием здоровья, приемам оказания первой помощи.

Выделение самостоятельной сестринской работы позволяет освободить врача общей практики от неквалифицированной работы, сократить время ожидания пациентов приема у врача, повысить авторитет и престиж работы медицинской сестры.

Совершенствование деятельности медицинской сестры общей практики во многом зависит от ее уровня подготовки и переподготовки. Это происходит в центре повышения квалификации средних медицинских работников. На повышение квалификации должны привлекаться преподаватели, хорошо знающие объем и вид деятельности медицинской сестры общей практики. Клиническими базами для обучения медицинских сестер общей практики должны быть лечебно-профилактические учреждения, где внедрено оказание медицинской помощи по принципу общеврачебной практики (СВП, поликлиника, семейная поликлиника).

**Рихси САЛИХОДЖАЕВА,**
**Главный специалист по сестринскому делу Минздрава Республики Узбекистан.**

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · Осиё тараққиёт банки · Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

2008 й №4

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2» «Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects

Проекты «Здоровье – 2» «Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»

# ПОСЛЕДИПЛОМНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ МЕДСЕСТЕР УЧРЕЖДЕНИЙ ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

лен 471 тренер-преподаватель из числа преподавателей центров повышения квалификации средних медработников и практикующих медсестер, а также обучено 12 000 медсестер, работающих в сфере ПМСП.

Медсестра – не просто помощник врача, она его полноценный партнер, который имеет свои функции, обязанности и права. Она более широко общается с пациентами, входит в их семьи, пользуется доверием, она психологически другая. Поэтому самым первым вводным курсом стал курс по межличностному общению, разработанный специалистами Проекта USAID "ЗдравПлюс". Курс помогает медсестрам развить такие навыки, как: понимание собственных ценностей и ценностей пациентов, умение слушать пациентов, предоставление пациентам информации и проверка того, насколько она была понята, создание таких условий, при которых пациент чувствует себя комфортно, создание атмосферы дружелюбия и определение степени удовлетворенности пациентов, использование и понимание вербальной и невербальной форм общения.



Следующим обучающим курсом для медсестер стал курс по грудному вскармливанию. Грудное вскармливание является основой правильного развития и здоровья ребенка. Ежегодно в развивающихся странах около 12 миллионов детей умирают, не дожив до 5-летнего возраста, многие из них – на первом году жизни. Семь из этих 10-ти детей умирают от острых респираторных инфекций, диареи, кори, малярии или нарушений питания – и часто от комбинации этих причин. Проведенный в 1996 году анализ глобального бремени заболеваний указывает на то, что перечисленные заболевания будут являться основными причинами детской смертности до 2020 г., если для борьбы с ними не принять значительных усилий. Уход за здоровым, больным ребенком и консультирование матерей способствуют правильному выявлению болезней детского возраста в амбулаторных условиях, обеспечивают подходящее лечение заболеваний, улучшают консультирование лиц, ухаживающих за детьми, и проведение профилактических мероприятий, а также ускоряют направление в стационар тяжелобольных детей. В домашних условиях способствуют установлению правильных стереотипов поведения в отношении медицинской помощи, улучшению питания и профилактического лечения, а также правильному проведению назначенного лечения. Патронажные медсестры смогут проводить работу с семьями и махаллями для того, чтобы люди смогли обеспечить адекватный уход на дому и поддержку здорового роста и развития своих детей. До сегодняшнего дня подготовлено 200 тренеров-преподавателей и ими же обучены более 3 500 патронажных медсестер. Подготовка тренеров-преподавателей и патронажных медсестер по грудному вскармливанию продолжается и идет полным ходом. По окончании курса по грудному вскармливанию будет начато обучение тренеров-преподавателей и медсестер по таким тематикам, как основные навыки медсестер для проведения патронажных визитов, мониторинг роста и развития детей, а также по репродуктивному здоровью.

**Таким образом, в республике создается система непрерывного образования специалистов сестринского дела. Созданы предпосылки для реализации принципа «образование через всю жизнь».**

**Ф. ФУЗАЙЛОВ,**
**Специалист СБРП "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей" по обучению.**

*(Продолжение. Начало на 3-й стр.)*

## *Тошкент вилояти*

# БИРЛАМЧИ БЎҒИНДА ҲАМШИРАЛАРНИНГ ЎРНИ

***Республика тиббиёт тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг аксарият қисмини ҳамширалар ташкил этади. Жумладан, бирламчи бўғинда ҳамширалар меҳнати қанчалик зарур эканлигини англаб олиш қийин эмас. Шундай экан, Осиё Тараққиёт Банки иштирокида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган «Шахсларaро мулоқот» ҳамда «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарларининг Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги жараёнлари билан танишиб қайтдик. Унда лойиҳа доирасида тайёрланган ҳамшира-тренерларнинг олиб бораётган ўқув-услубий машғулотлари бизни бефарқ қолдирмади.***



**СУРАТДА:** *тренер Муқаддас Топилова семинар иштирокчилари билан ўзаро суҳбатда.*



**Наргиза АҚЖИГИТОВА, тренер, Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг бош ҳамшираси:**

– Осиё Тараққиёт Банки иштирокида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган «Шахсларaро мулоқот» ҳамда «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарларида иштирок этиб, касбий билимимни янада бойитиб қайтганлигимдан хурсандман. Чунки, юқоридаги мавзулар ҳамшира фаолиятида нечоғлик аҳамиятга эга эканлигига тингловчиларни ўқитиш жараёнида гувоҳи бўляпман. Мазкур семинарлардан олинган назарий ҳамда амалий билимларни ўз фаолиятида қўллаётган патронаж ҳамширалар меҳнатидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Шунингдек, Осиё Тараққиёт Банки томонидан яратилган бундай имконият тингловчиларни замонавий кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўйлайманки, ўқув жараёнларимиз узлуксиз давом этиб, ҳамшираларнинг касбий таълимлари такомиллашиб боради.

**Тожинисо СОТИМОВА, Янгийўл шаҳар болалар поликлиникасининг маҳалла ҳамшираси:**

– Биринчи навбатда мен «Шахсларaро мулоқот» ўқув-семинарида иштирок этиб, жуда катта кўникмага эга бўлдим. Айниқса, семинар жараёнида янги услубий қўлланмаларнинг мавжудлиги, замонавий таълим стандартларининг видеоролик кўриниши намойиш этилиши ҳамда Осиё Тараққиёт Банки кўмагида таҳсил олиб келган етакчи тренер-ҳамширалар Наргиза Ақжигитова ҳамда Муқаддас Топилованинг маҳорат билан дарсларни олиб боришлари фаолиятда янада қизиқиш билан ишлашимизни оширди. Иккинчи ўқув-семинаримиз эса «Кўкрак сути билан боқиш» мавзусида бўлди. Ушбу мавзу ҳам ўз таркибидаги муҳим жиҳатлар билан фарқланган ҳолда, ҳар бир ҳамширани янгича услубда ишлашини тақозо этмоқда. Мен мазкур ўқув-семинарда иштирок этганимдан ғоят хурсандман. Барча семинар ташкилотчиларига миннатдорчилигимни билдираман.





**Нишон ФОЗИЛОВА, Янгийўл шаҳар болалар поликлиникасининг маҳалла ҳамшираси:**

– Аввало, ҳамширалар меҳнатига бўлган эътибор ҳар биримизни ғайрат, шижоат ва куч билан ишлашга ундамоқда. Бу билан нима демоқчиман, шу пайтгача бундай ўқув-семинарлари камдан-кам ўтказиларди. Эндиликда, фаолиятдаги ҳамшираларимизнинг юқоридаги ўқув-семинарларда ўқиб келиб, тренер сифатида ҳамшираларга дарс бераётганлиги касбий маҳоратимизни янада оширмоқда десам, янглишмаган бўламан. Таъкидлашим жоизки, ўқув-семинаримизни шаҳар шифохонасида ўтказилаётганлиги ҳам амалиётдаги кўникмаларимизни янада бойитмоқда. «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарimиз назарий жиҳатдан мукаммал ўтказилган бўлса, шифохона ичидаги турғун бўлимидаги амалиётимиз эса тажрибамизни янада оширишга имконият яратди. Ана шундай ўқув-семинарларининг ташкил этилиши ҳар бир ҳамшира фаолиятида асосий ўрин тутишига шубҳа йўқ.

**Мазкур ўқув-семинар иштирокчилари билан суҳбатлашар эканмиз, улар аввало, тренинг мавзулари қанчалик қизиқарли эканлиги ҳамда тренерларнинг иштиёқ билан дарс олиб бораётганликлари ва яратилган имкониятлардан мамнун бўлиб гапирдилар.**

**Яна шуниси аҳамиятлики, тренерлар томонидан иштирокчилар учун ташкил этилган бошланғич тест назорати ва якунловчи тестларнинг ташкил этилганлиги ўқув-семинари тўлақонли даражада олиб борилаётганлигини кўрсатди.**



*(Давоми 5-бетда).*



Маҳфуза ЖЎРАЕВА, Зангиота туман «Иттифоқ» қишлоқ врачлик пунктининг патронаж ҳамшираси:

(Давоми. Боши 4-бетда).

– Мана 36 йилдирки, ҳамширалик касбини севиб, ардоқлаб фаолият юритиб келмоқдаман. Мустақиллик шарофати туфайли ҳамширалик ишига бўлган эътибор ортиб, улар меҳнати қўллаб-қувватланиб ўз рағбатига эга бўлмоқда. Фахр билан айтишим мумкинки, ҳар бир тадбир, ўқув-семинарлари фаолиятимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтказилган «Шахслараро мулоқот» ҳамда «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарларининг фойдаси ниҳоятда катта бўлди. Қишлоқ врачлик пунктимиз ҳудудидаги 2 минг аҳолига хизмат кўрсатаман. Гар кўп йиллик тажрибам бўлсада, мазкур ўқув-семинардан сўнг оилалар билан янада мукаммал ишлаб, уларнинг тиббий саводхонлиги ҳамда тиббиётга бўлган ишончини кўриб, аҳоли билан ишлашга бўлган қизиқишим янада ортди. Муассасамизда 21 нафар ҳамшира меҳнат қилади. Улар билан доимий ҳамкорликда иш юритамиз, кези келганда билмаганларини ўргатамиз.

Биз яратилаётган барча имкониятлардан мамнунмиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, Осиё Тараққиёт Банки ташкил этган мазкур ўқув-семинардан олаётган назарий ва амалий билимларимизни халқ саломатлиги йўлида қўллашга доим тайёрмиз. Истагим шуки, ёш ҳамширалар ана шундай ўқув-семинарларидан унумли фойдаланиб, тажриба кўламларини кенгайтириб, аҳоли билан ҳамжиҳатликда ишласалар тиббиётнинг асосий мақсади бўлган инсон саломатлигини сақлашдек, савобли ишга эришадилар.




## *Самарқанд вилояти*

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ: САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



**Муҳаррам ОМОНОВА, Замира ҲОШИМОВА, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасининг етакчи ҳамширалари:**

– Осиё Тараққиёт Банки иштирокида «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган «Шахслараро мулоқот» ҳамда «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарларида иштирок этиб, тренер сифатида иш бошладик. Шу кунга қадар «Шахслараро мулоқот» ўқув-семинарида 170 нафар патронаж ҳамширани тайёрладик. «Кўкрак сути билан боқиш» бўйича эса 240 нафар ҳамширани ўқитмоқдамиз. Ўзимиз таҳсил олган бир пайтда катта билимий кўникмага эга бўлган эканмиз, тингловчиларимизга дарс бериш жараёнида ҳеч қандай тўсиққа дуч келмаяпмиз. Дарсларимиз юқори савияда ўтишида Осиё Тараққиёт Банки томонидан яратилган шарт-шароитлар, замонавий услубий қўлланмалар, таълим стандартлари дарс жараёнида, айниқса, ҳамшира-тренерларни тайёрлашда анча қўл келмоқда. Чунки, бу таълим дастурлари ўзининг содда ва оммавий ёндашувлари билан алоҳида аҳамиятга эга.

**Шаҳло МАРДОНОВА, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси поликлиникасининг ҳамшираси:**

– Ўтказилаётган мазкур семинарлар менда жуда катта таассурот қолдираяпти. Айниқса, назарий билим билан амалиёт жараёнларининг биргаликда олиб борилаётганлиги ҳар бир иштирокчида қизиқиш уйғотмоқда. Тренерларимиз Муҳаррам Омонова ва Замира Ҳошимованинг тиришқоқлик, талабчанлик ҳамда самимият билан дарс ўтаётганликлари фикрларимизни бойитиш билан бир қаторда, янги билим манбаларини тез ўзлаштириб олишимизда муҳим роль ўйнамоқда. Мен ушбу ўқув-семинаридан жуда хурсандман. Чунки, машғулотлар замон талаблари даражасида ўтмоқда. Фаолиятимга тўрт йил бўлган бўлсада, мазкур ўқув-семинар жараёнида шу хулосага келдимки, шу йилнинг ўзида Олий маълумотли ҳамшира факультетига ҳужжат топширишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Чунки, бу ердан оладиган билим кўникмаларим, касбий маҳоратим, орзуйим йўлида қанот бўлишига ишонаман ва барча семинар ташкилотчиларига раҳмат деб қоламан.



**Нигора НАЗАРОВА, Самарқанд вилоят Ҳамширалар Ассоциацияси менежери, «Саломатлик-2» лойиҳаси координатори:**

– Узлуксиз таълим – бу иш самардорлигини таъминловчи энг катта восита ҳисобланади. Айниқса, тиббиёт кенг қиррали бўлганлиги сабаб, кундалик билимни бойитиб бориш муҳимлигини ҳар биримиз яхши биламиз. Давлатимизнинг кадрлар фаолиятига бўлган эътибори туфайли айни кунда ҳар бир соҳада узлуксиз таълим жараёнлари олиб борилмоқда. Шу жумладан, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Тизимда ҳамширалик ишига бўлган ғамхўрлик бундан мустасно эмас. Шундай экан, Осиё Тараққиёт Банкининг ташаббуси билан ташкил этилган ўқув-семинарида иштирок этиб, 2007 йил май ойидан буён тренер сифатида вилоят тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамшираларга сабоқ бериб келмоқдаман. «Шахслараро мулоқот» ҳамда «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарларида иштирок этган ҳамкасбларимнинг ўқув машғулотларидан мамнунликларини кўриб, ишларимиз бесамар кетмаётганлигига амин бўлдим.





**Дилшода ҲАСАНОВА, Самарқанд туман «Хишрав» қишлоқ врачлик пунктининг патронаж ҳамшираси:**

– Тренерларнинг бераётган дарслари давомида услубий қўлланмалар ва амалиётдаги муляжларнинг мавжудлиги машғулотлар қизиқарли ўтишига имкон яратмоқда. Дарс жараёнларида ҳар биримиз эркин ҳолда билмаганларимизни сўраш ва ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикрлашиш салоҳиятига эга бўлмоқдамиз. Хурсанд бўлиб айтмоқчиманки, бундай ўқув-семинарлар фаолиятимга ўзгача руҳ бағишлади. Ҳатто, танаффус чоғида ҳам ҳамкасбларимиз билан ўзаро суҳбатлашиб, фикр-мулоҳазалар алмашамиз.

Ўқув-семинарини тугатгач, қишлоқ врачлик пунктидаги фаолиятимни янада ошириб, аҳоли билан сидқидилдан ва астойдил ишлашни ният қилдим. Чунки, ҳамширалик ишига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Биз бундай имкониятларни кўриб, янада ғайрат билан ишлагимиз келмоқда. Қани энди, ана шундай семинарларнинг мавзу кўлами кенгайиб, узлуксиз давом этиб турса. Мақсадимиз, оилаларга чуқур кириб бориш экан, бу борада мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишимиз зарур.



**Гуландом СОДИҚОВА, Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси 3-хирургия бўлими катта ҳамшираси, Гавҳар КЕНЖАЕВА, Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси хирургия бўлими катта ҳамшираси:**

– Ўтказилаётган ҳар бир дарс соатлари ўзига хос уйғунликни ташкил этади. Тренеримиз Нигора Назарованинг қаттиққўллиги, талабчанлиги ва синчковлик билан дарс ўтишлари семинарга бўлган иштиёқимизни янада кучайтирмоқда. Эндиликда олган билимларимиз натижасиз бўлмаслиги учун фаолиятга чуқур кириб боришимиз ҳамда муассасамиздаги ҳамширалар орасида тарғибот ишларини кучайтиришимиз муҳим. Яна қувонарлиси шуки, ўқиб бораётган ҳамшираларда қизиқиш ортиб, турли хилдаги рефератлар тайёрлаб иш жараёнида қўллаб келмоқдалар.

Уйлаймизки, бундай таълимий жараёнлар ҳар бир ҳамшира фаолиятида катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг касбий маҳоратларини ошириб, ўз устида тинимсиз ишлашларини тақозо этади. Бизга ана шундай имконият яратган барча мутасадди раҳбарлардан мамнунмиз.



**Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси таркибидаги ушбу ўқув-услубий хонада олиб борилаётган шарт-шароит ва имкониятлар билан танишар эканмиз, тренерлар Муҳаррам Омонова ва Замира Ҳошимованинг олиб бораётган фаолиятларидан мамнун бўлдик. Айниқса, уларнинг нотиқлик санъати, иштирокчиларга бўлган муомала маданияти ҳамда билимларининг мукаммаллиги, шунингдек, иштирокчиларнинг семинарларда қизиқиш билан иштирок этаётганликлари бизни бефарқ қолдирмади.**



(Давоми 6-бетда).

Заходите на наш официальный сайт: www.uzss.uz




## Пастдарғом тумани



**Соҳиба ПРИМОВА, Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасининг етакчи ҳамшираси:**

– Осиё Тараққиёт Банкининг ташаббуси асосида «Шахслараро мулоқот» ҳамда «Кўкрак сути билан боқиш» ўқув-семинарларида иштирок этдим. Шундан сўнг, туманимиздаги ҳамшираларга мазкур мавзуларда ўқув-семинарини ўтказиб келар эканман, уларни ўқишга бўлган иштиёқини кўриб, дарсларни янада яхши ўтказишга, жараён пайтида ўзларини бевосита амалий жараёнларда ҳам иштирок этишларини таъминлашга эришмоқдаман.

Семинар давомида турли услубий қўлланмалардан фойдаланиб, имкон даражасида тингловчиларга янги маълумотларни тўғри етказишга ҳаракат қилмоқдаман. Ўйлайманки, мазкур семинар иштирокчиларни бефарқ қолдирмайди.



**Дилрабо ҲАМИДОВА, Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий катталар поликлиникаси ҳамшираси:**

– Дарс жараёнларининг қизиқарли ўтишида тренерлардан Соҳиба Примова ва Жамила Эшназарованинг меҳнатлари ниҳоятда катта бўлмоқда. Уларнинг диққат билан дарс ўтишлари, ҳар бир янги мавзудаги тиббиёт атамаларини ўрни билан тушунтиришлари тингловчилар дарсларни тезда ўзлаштиришига ёрдам бермоқда.

Шу нарсага амин бўлдимки, ушбу семинарда фикрларимиз кенгайиб, тиббий билимларимиз бойиди. Шунингдек, ҳамкасбларимиз билан танишиб, улар фаолияти билан ўртоқлашдик. Бундай семинарнинг ташкил қилинганлиги ҳар биримиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолда, ҳамширалик ишидаги фаолиятимизни такомиллаштирмоқда.

Ўқув-семинарни тугатгач, кўтаринкилик кайфияти билан фаолиятимизга қайтиб, аҳолига тиббий ва сифатли хизмат кўрсатишда куч ва билимларимизни аямаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юқоридаги узвий таълимни ташкил этган барча мутасадди раҳбарларга миннатдорчилик билдираман.



**Ҳа, биз сафар хизматидан қайтар эканмиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Осиё Тараққиёт Банки томонидан яратилган бундай шароит ва имкониятлардан мамнун ҳамшараларни ўз касбларига бўлган қизиқиш ва иштиёқлари баланд эканлигининг гувоҳи бўлдик.**

**Албатта, бундай хайрли иш ўз самарасини беради деган умиддамиз.**

**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».**

**И.О. исполнительного директора Максумов Джамшид Джалолович.**

**700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,**
**ТашИУВ, административный корпус, 3-й этаж.**
**Контактные телефоны: 268-08-19, 267-73-47.**
**Факс 268-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.**

**Лойиҳа материалларини: Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**
**Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА,**
**Анваржон САМАДХЎЖАЕВ.**

# КАСБИЙ ТАЪЛИМ – ЎЗГАРИШЛАР ГАРОВИ

***Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим, энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинидаги туб ўзгаришлар кадрлар малакаси ва билимини оширишни тақозо этади. Айниқса вилоятимизда ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюроси томонидан ўтказилаётган ўқув-семинарлари, бирламчи тизимда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларимизнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан билимларини янада такомиллаштиради. Хусусан яқинда ўтказилган «Шахслараро мулоқот ва катта ёшдаги аудиторияни ўқитиш» мавзусига бағишланган семинарда вилоятимизнинг барча туман, шаҳар бош ҳамшира ва фельдшерлари, қишлоқ врачлик пунктининг оила ҳамширалари, шунингдек, вилоят малака ошириш билим юрти ҳамда Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл ва Пешку тиббиёт коллежининг ҳамширалик иши фани ўқитувчилари қатнашдилар.***

Бугунги кунда вилоятимизда 332 та қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, унда шифокор ва ҳамширалар аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ўз эътиборини фақатгина даволашга эмас, балки касалликнинг олдини олиш ва беморнинг тиббий билимларини оширишга қаратади, аҳоли талабига сезгирлик билан жавоб қайтаради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бирламчи тиббий-санитария ёрдами қанчалик ривожланган бўлса, аҳоли саломатлигининг кўрсаткичлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Ҳозирги пайтда ҳукуматимиз томонидан асосий эътибор соғлиқни сақлаш тизимида умумий амалиёт врачлари ва умумий амалиёт ҳамширалари/оила ҳамширалари хизматларига қаратилган бўлиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Оила ҳамширалари ва шифокорлари оила аъзолари билан яқин ва илиқ муносабатда бўлиб, уларнинг тиббий билимларини бойитишга ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада яхшироқ тушунишга ёрдам беришлари зарур.

«Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида вилоят миқёсида ўтказилган ўқув-семинарда ҳам соғлом турмуш тарзини аҳоли орасида кенг татбиқ этиш орқали, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини кўтариш борасида оила ҳамширалари ва барча шифокорлар катта эътибор беришлари ҳамда уларни шунга ўргатишлари кераклиги таъкидланди. Айниқса, туғиш ёшидаги аёлларимизнинг соғлиғини асраш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, соғлом оила қуриш, ҳомиладорликнинг нормал кечишида ҳомиладор аёл билиши зарур бўлган маълумотлар, она сути моҳиятининг афзаллиги, эмлаш бола келажагининг ҳимояси мавзуларида семинар иштирокчиларига маълумотлар берилди ҳамда қўлланмалар тарқатилди.

Тайёрланган туман мутахассислари жойларда «Шахслараро мулоқот ва катта ёшдаги аудиторияни ўқитиш» мавзусига бағишланган ўқув-семинарлари ташкил этиб, бугунги кунда вилоятимизнинг қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган ҳамшираларнинг 879 нафарини ўқитдилар. Улар эса ўз навбатида олган билимларини амалиётга жорий этиб келмоқдалар.

Ўқув-семинар якунида ташкилотчилар томонидан барча қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

**Маъмура САФОЕВА,**
**Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси.**

# ҲАМШИРАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА АХБОРОТ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

***Ҳозирги кунда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар натижасида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Шундай экан, касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда тиббиёт ходимлари эътиборини кучайтириш зарур. Таъкидлаш жоизки, бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимида ишлайдиган ҳамшираларнинг ўрни катта, чунки улар оила билан умумий амалиёт шифокорлари ўртасида боғловчи звено ҳисобланадилар.***

Шунинг учун бирламчи тизимда ишлайдиган ҳамширалар ишини енгиллатиш мақсадида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси томонидан бир қанча ахборот қўлланмалари ишлаб чиқилди.

Бу ахборот қўлланмаларидаги маълумотлар оналар ва болалар саломатлигига бағишланган. Улардан бири “Она ва бола саломатлиги” деб аталган кўргазмали буклетдир. Ушбу альбом ҳамшираларга жамоатчилик ўртасида саломатликни тарғиб қилиш ва доимий равишда аёлларга ўзлари ҳамда болалари саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар олиб бориш учун мўлжалланган. Буклетда аёллар саломатлиги, ҳомиладорликдан сақланиш воситалари, ҳомиладорлик, туғруқ даври, чилла даври, болалар ўсиши ва ривожланиши, болаларни парваришлаш бўйича маълумотлар берилган. Ҳамширалар шу буклетдан фойдаланганларида олиб борган суҳбатлари аёллар ва уларнинг турмуш ўртоғи ҳамда қайноналари учун тушунарли, осон, қизиқарли ва кўргазмали бўлади. Буклетда ҳар бир мавзу учун икки бет ажратилган. Унинг биринчи бетида мавзу бўйича ҳамширалар тушунтириб берадиган асосий маълумотлар ва иккинчи бетида эса мижозга қизиқарли ва тушунарли бўлиши учун расмлар ва жадваллар берилган. Кўргазмали буклетни тайёрлашда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси, Республика ҳамширалар ассоциацияси раиси Р. Салихўжаева, тиббиёт фанлари доктори, профессор Д. Каттахўжаева, тиббиёт фанлари доктори, профессор Д. Аҳмедова, Осиё Тараққиёт Банки томонидан молиялаштирилган “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳасининг маҳаллий консультанти Д. Урунова ва USAID “ЗдравПлюс” лойиҳаси дастур менежери Ф. Маманазарова ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ҳамширалар ишини осонлаштирадиган ахборот қўлланмасидан яна бири “Она бўлиш бахти” деб номланган буклетдир. Ушбу буклетда ҳомиладорликда юз берадиган ҳолатлар, ҳомиладорликнинг асосий даврлари, шифокор назорати, ҳомиладорлик даврида овқатланиш, покизалик, аёлнинг турмуш тарзи каби маълумотлар оддий тилда ва тушунарли берилган. Шу билан бирга ҳомиладорлик даврида юзага келадиган баъзи муаммолар: кўнгил айнаши, зарда қайнаши, танадаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, қандай ҳолатда шифокорга мурожаат қилиш, туғруққа тайёргарлик кўриш, туғруқнинг белгилари ва туғруқдан кейинги ҳолатлар ҳақида маълумотлар бор. “Она бўлиш бахти”, “Кичкинтойингиз соғлом ўссин” буклетлари Бухоро вилояти “Авиценна” болалар шифокорлари уюшмаси билан Британия “ХелсПром” нодавлат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган. Буклетларнинг бош муҳаррири филология фанлари номзоди, доцент, “ХелсПром”нинг Ўзбекистондаги вакили Б. Умарова, муаллифлари: тиббиёт фанлари доктори, профессор, БухДавТИ умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси мудири Н. Шарипова ва олий тоифали педиатр-шифокор, БухДавТИ умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси катта ўқитувчиси Л. Саидова.

Ушбу маълумотлардан ташқари ҳамширалар учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва USAID/HOPE лойиҳаси томонидан “Силни ёдингизда тутинг” деб номланган буклет тайёрланди. Ушбу буклет сил касаллиги белгилари ва шу белгиларни аниқлаш учун аҳолига мурожаат қилиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, сил касаллиги аниқланган беморлар ва уларнинг яқинлари билан қандай тушунтириш ишлари олиб бориш кераклиги кўрсатилган.

Келажакда ҳамширалар учун юқорида қайд этилган ахборот қўлланмалари бошқа мавзулар бўйича ҳам ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

**Н. ҚОРАБОЕВА,**
**Осиё Тараққиёт Банки «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси координатори.**

*Министерство здравоохранения Республики Узбекистан*

*ПРИКАЗ*

26 марта 2008 года № 126 г. Ташкент

# «О совершенствовании службы экстренной медицинской помощи населению»

*Приложение № 2
к приказу Министерства здравоохранения РУ
от 26 марта 2008 г. № 126*

## Структура и коечная мощность отделений экстренной медицинской помощи ЛПУ г. Ташкента (для взрослых)

| ЛПУ | Коечная мощность |
|---|---|
| **Экстренная кардиология** | |
| Городская клиническая больница №1 им. Ибн Сины (ГКБ № 1) | 13 |
| Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) | 35 |
| Городская клиническая больница № 7 (ГКБ №17) | 30 |
| Городская клиническая больница № 4 им. И.Эргашева (МСЧ «ТАПОиЧ») | 30 |
| Всего кардиологических коек | 108 |
| **Экстренная терапия** | |
| Городская клиническая больница №1 им. Ибн Сины (ГКБ № 1) | 23 |
| Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) | 85 |
| Городская клиническая больница № 7 (ГКБ №17) | 20 |
| Городская клиническая больница № 4 им. И.Эргашева (МСЧ «ТАПОиЧ») | 20 |
| Всего терапевтических коек | 148 |
| **Экстренная неврология** | |
| Городская клиническая больница №1 им. Ибн Сины (ГКБ № 1) | 25 |
| Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) | 30 |
| Городская клиническая больница № 7 (ГКБ №17) | 21 |
| Городская клиническая больница № 4 им. И.Эргашева (МСЧ «ТАПОиЧ») | 20 |
| Всего неврологических коек | 96 |
| **Экстренная хирургия** | |
| Городская клиническая больница №1 им. Ибн Сины (ГКБ № 1) | 27 |
| Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) | 30 |
| Городская клиническая больница № 7 (ГКБ №17) | 50 |
| Городская клиническая больница № 4 им. И.Эргашева (МСЧ «ТАПОиЧ») | 35 |
| Всего хирургических коек | 142 |
| **Травматология** | |
| Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) | 30 |
| Городская клиническая больница № 4 им. И.Эргашева (МСЧ «ТАПОиЧ») | 18 |
| Всего травматологических коек | 48 |
| **ВСЕГО экстренных коек** | **542** |

*(*в скобках указано бывшее название учреждения)*

**Начальник ГУЛПП В. С. АЛИМОВА.**
**Начальник ГУЗ г. Ташкента М. С. ИСЛАМОВ.**

*Приложение № 3
к приказу Министерства здравоохранения РУ от 26 марта 2008 г. № 126*

## Структура и коечная мощность отделений экстренной медицинской помощи ЛПУ г. Ташкента (для детей)

| ЛПУ | Коечная мощность |
|---|---|
| **Экстренная хирургия** | |
| Городская детская клиническая больница № 1 (ГКДБ) | 30 |
| Городская детская клиническая хирургическая больница № 2 (ДБ № 14) | 25 |
| Всего хирургических коек | 55 |
| **Травматология** | |
| Городская детская клиническая хирургическая больница № 2 (ДБ № 14) | 50 |
| Всего травматологических коек | 50 |
| **Экстренная педиатрия** | |
| Городская детская клиническая больница № 1 (ГКДБ) | 70 |
| Всего педиатрических коек | 70 |
| **Детская торакальная хирургия** | |
| Городская детская клиническая хирургическая больница №2 (ДБ №14) | 25 |
| Всего коек по торакальной хирургии | 25 |
| ВСЕГО экстренных коек для детей | 200 |

*(*в скобках указано бывшее название учреждения)*

**Начальник ГУОМД К. Т. ЯДГАРОВА.**
**Начальник ГУЗ г. Ташкента М. С. ИСЛАМОВ.**

*Приложение № 4 к приказу Министерства
здравоохранения РУ
от 26 марта 2008 г. № 126*

## ДИСЛОКАЦИЯ*
## лечебных учреждений, оказывающих экстренную ХИРУРГИЧЕСКУЮ помощь взрослому населению

| Районы | Лечебно-профилактические учреждения |
|---|---|
| Чиланзарский, Сергелийский, М.Улугбекский | РНЦЭМП |
| Учтепинский, Яккасарайский | Городская клиническая больница скорой мед.помощи (бывшая КБСМП) |
| Шайхонтохурский | Городская клиническая больница №1 |
| Юнусабадский | Городская клиническая больница №7 (ГКБ №17) |
| Хамзинский | 3-клиника ТМА |
| Сабир-Рахимовский | 2-клиника ТМА |
| Хамзинский, Бектемирский | Городская клиническая больница №4 (МСЧ «ТАПОиЧ») |
| Мирабадский | РКБ-1 |
| Чиланзар, Сергели | РСЦХ им. акад. В.Вахидова (в пределах установленного лимита) |
| Приезжие | РНЦЭМП, 2-я и 3-я клиники ТМА, РКБ №1 |
| Сабир-Рахимовский | 1-клиника ТМА |
| Хамзинский, Бектемирский | Городская клиническая больница №4 (МСЧ «ТАПОиЧ») |
| Мирабадский | Городская клиническая больница №4 (после передислокации городского нефроцентра в новое здание – РКБ №1) |
| Яккасарай | Городская клиническая больница №8 (МСЧ «ТТК») |
| Приезжие | РНЦЭМП, 1-я и 3-я клиники ТМА, РКБ №1 |

### *ДИСЛОКАЦИЯ лечебных учреждений, оказывающих экстренную ТЕРАПЕВТИЧЕСКУЮ помощь населению*

| Районы | Лечебно-профилактические учреждения |
|---|---|
| Чиланзарский, Сергелийский, М.Улугбекский | РНЦЭМП |
| Учтепинский | Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) |
| Шайхонтохурский | Городская клиническая больница №1 им.Ибн Сины (ГКБ № 1) |
| Юнусабадский | Городская клиническая больница №7 (ГКБ №17) |
| Хамзинский | 3-клиника ТМА |

### *ДИСЛОКАЦИЯ лечебных учреждений, имеющих реанимационные отделения и оказывающих экстренную КАРДИОЛОГИЧЕСКУЮ помощь населению*

| Районы | Лечебно-профилактические учреждения |
|---|---|
| Чиланзарский, Сергелийский, М.Улугбекский и приезжие | РНЦЭМП |
| Учтепинский, Яккасарайский | Городская клиническая больница скорой мед.помощи (КБСМП) |
| Шайхонтохурский | Городская клиническая больница №1 |
| Юнусабадский | Городская клиническая больница №7 (ГКБ № 17) |
| Хамзинский | 3-клиника ТМА |
| Сабир-Рахимовский | 1-клиника ТМА |
| Хамзинский, Бектемирский | Городская клиническая больница №4 (МСЧ «ТАПОиЧ») |
| Мирабадский | Городская клиническая больница №4 (МСЧ «ТАПОиЧ») (после передислокации городского нефроцентра в новое здание – РКБ №1 ) |
| Приезжие | РНЦЭМП, 1-я и 3-я клиники ТМА, РКБ №1 |

**(Продолжение в следующем номере).**

**С Приказом № 126 Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 26 марта 2008 года размещен на нашем официальном сайте.**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash № 20 (588) 2008 йил 23 май

# ИНФОРМАЦИЯ

## ГЛАВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ПО КОНТРОЛЮ КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ И МЕДИЦИНСКОЙ ТЕХНИКИ МЗ РУ О ЗАБРАКОВАННЫХ И ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВАХ И ИЗДЕЛИЯХ МЕДИЦИНСКОГО НАЗНАЧЕНИЯ ПО ПОСТУПИВШИМ ДАННЫМ СЛУЖБ КОНТРОЛЬНО-РАЗРЕШИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ЗА I КВАРТАЛ 2008 ГОДА

### I. СПИСОК ЗАБРАКОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

| № | Наименование препарата | Серия | Фирма - производитель | Страна | Кем забракован | Показатель |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Polio Sabin™ (oral) 1dose (2drops) 10 Dos | AOPVB5 21AE | «Glaxo Smith Kline Biologicals s.a» | Бельгия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание» |
| 2 | Vovenac - P таб. | BMC/7003 | «Biomedicare Pvt. Ltd» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Колич. опред.», «Средняя масса», «Отклонение от средней массы» |
| 3 | Zeroocold – P таб. | BMC/700 1 | «Biomedicare Pvt. Ltd» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Колич. опред.», «Микробиологическая чистота» |
| 4 | Амитриптиллин SC р-р д/ин 2мл №10 | IF-82 IF-83 | «Swiftpath Corparation» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Подлинность», «Колич. опред.» |
| 5 | Гландин-Е2 вагинальные таблетки 3мг №1 | 25м | «Набикасим Индастриз» | Пакистан | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Длина», «Истираемость», «Упаковка» |
| 6 | Новокин 0,5% р-р д/ин №10 по 2мл | 321107 | ГАК «Узфармсаноат» ОАО «Узхимфарм» | Узбекистан | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Стерильность» |
| 7 | Норсульфазол 0,5г №10 | 21207 | ГАК «Узфармсаноат» ОАО «Узхимфарм» | Узбекистан | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Микробиологическая чистота» |
| 8 | Оксолиновая мазь 0,25% 10г | 211107 | ООО «ДКП Фармацевтическая фабрика» | Украина | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Содержание изонафтазарина» |
| 9 | Сериколд тотал 100мл | SC004 SC005 SC006 SC007 SC008 SC009 SC010 SC011 | «Shayana Health Care Pvt. Ltd» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Микробиологическая чистота», «pH», «Описание» |
| 10 | Теопек 0,3г таб. №50 | 430907 | ЗАОНПЦ «Борщаговский ХФЗ» | Украина | SOF DORI | «Средняя масса содержимого капсул», «Отклонение от средней массы» |
| 11 | Фунгикейр 50мг капс. | BMC/7004 BMC/7005 | «Biomedicare Pvt.Ltd» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Микробиологическая чистота» |

### II. СПИСОК ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

| № | Наименование, указанное на упаковке | Серия | Производитель, указанный на этикетке | Страна | Кем забракован | Показатель |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Biseptol® 480 mg cotrimoxazole S.S №20 | 021909 | Не указан | Не указана | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | Описание», «Подлинность», «Средний вес», «Упаковка», «Маркировка», Не зарегистр. |
| 2 | Gee Baralgin Tablets №10х10 | 070221 | «GOD GIFT Laboratory Pvt LTD» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Отклонение от среднего веса», Не зарегистр. |
| 3 | Kamagra* Gold-100 Tablets №4 | Не указана<br>M0027C | «Ajanta pharma limited» | Не указана | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | Описание», «Подлинность», «Средний вес», «Колич.опред.», «Размеры», «Маркировка», Не зарегистр. |
| 4 | Maritan 150mg tab. №10 | 71130910 | «Unisule Pvt.Ltd» | Индия | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Маркировка» |
| 5 | Penegra 100 mg sildenafil citrate tablets | MT6-137<br>MTG-137 | Не указан | Индия<br>Не указана | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент<br>ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Подлинность», «Маркировка», Не зарегистр. |
| 6 | Sispres® 500mg №7 tab. | 150806 | ИП «Nobel-Pharmsanoat» | Узбекистан | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Подлинность», «Средний вес», «Маркировка» |
| 7 | Viagra® 100mg Film-Coated Tablets №4 | 314833201 | «Pfizer Inc » | США | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Подлинность», «Маркировка», Не зарегистр. |
| 8 | 5-НОК® 50мг таб.№50 | 30902036 | «Лек.» | Не указана | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Описание», «Подлинность» «Маркировка» |
| 9 | Абактал® 400мг таб №10 | 3295108G | «Лек д.д.» | Словения | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Толщина», «Подлинность», «Средний вес», «Маркировка» |
| 10 | Амоксициллина тригидрат 0,25г капс. №20 | 070501 | ФК «Чжун Но» при корпорации «Ши Яо» | Не указана | ГЦЭСЛСиМТ г. Ташкент | «Подлинность», «Средний вес и отклонение от среднего веса», Не зарегистр. |

Начальник Главного управления — Х. ДЖАЛИЛОВ.
Зам. начальника Главного управления, начальник Фарминспекции — Д. НАСЫРОВА.

(Продолжение в следующем номере).

O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси: Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-57-73.
Тел.: 233-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга (i) шартли белгиси қўйилган.
Адади 8474 нусха.
Буюртма Г-450.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Газета таҳририятнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.
Топширилди – 22.30.
1 2 3 4 6 7 8